«Боинг» Тошкентда таъмирланмоқда

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси жаҳон авиаташувлар бозорида тобора мустаҳкам ўрин ва мавқени эгаллаб бормоқда. Эндиликда у жаҳон бўйлаб парвозлардан ташқари, ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини ҳам амалга оширмоқда. Бу соҳада ўзбек мутахассислари катта тажриба орттирдилар. Эндиликда миллий авивкомпаниянинг 243-Авиатаъмирлаш заводи ва авиация техник мажмуаси негизида ташкил этилган Ғарб ишлаб чиқаришига мансуб самолётларга техник хизмат кўрсатиш маркази фаолият кўрсатмоқда. Марказий Осиё минтақасида биринчи, МДҲ ҳудудида эса иккинчи ҳисобланган ушбу марказда қисқа муддат ичида «А-310», «RJ-85» самолётларига «С-check» ҳажмида техник хизмат кўрсатиш ишлари ўзлаштирилди. Мана энди навбат «Боинг»га ҳам етиб келди. Шу кунларда жаҳонга машҳур ана шу компанияда ишлаб чиқарилган «Самарқанд» самолётига техник хизмат кўрсатилмоқда. Келаси ҳафтанинг сешанба куни бу борадаги ишлар ҳам якунланади. Бу ўзбек мутахассисларининг салоҳиятидан яна бир намунадир.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Хорижий сармоядорлар жалб этилди

Деҳқонобод тараққиётдан анча орқада қолган, иқтисоди оғир кечаётган туманлардан бири. Геологлар бу жойда улкан табиий газ кони заҳиралари борлигини аниқлашган. Тумандаги Тубакат, унга қўшни Сурхондарёдаги Хўжаикон конларида калийли тузлар борлиги унинг заҳираси 100 йилдан кўпроққа етадиган заҳирани қайта ишлаш натижасида бромли темир магнезит, гипс ва бошқа материалларни йўл-йўлакай олиш мумкинлигига эътибор қаратилмоқда.

Қувончлиси шундаки, белгиланган улкан режалар амалга оша бошлади. Уни рўёбга чиқаришга хорижий сармоядорлар жалб этилди. Олмониянинг «Тссен Хондель Берлин ГМХ» фирмаси республика Кимё саноати вазирлиги билан ҳамкорликда минерал ўғит ҳамда йодланган ош тузи ишлаб чиқариш бўйича лойиҳа тайёрлаб, айни кунларда ишни бошлаб юборди. Бу жойда шунингдек, уй-жойлар, 100 ўринли меҳмонхона, ҳаммом, 200 ўринли ётоқхона, маданият саройи, шифохона, мактаб бинолари қурилади.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон ХДП III Қурултойининг Қарори

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг ҳисоботи ҳақида

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг III Қурултойи, Марказий Кенгаш биринчи котиби А.Жалоловнинг «Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг сиёсий ҳисоботи ва партия ташкилотларининг навбатдаги вазифалари» тўғрисидаги маърузасини муҳокама қилиб, қайд этадики, партиянинг навбатдан ташқари II Қурултойидан кейин ўтган беш йил ташкилотимизнинг барқарорликни таъминлашга қаратилган, ташаббуслари жаҳон жамоатчилиги томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Ушбу ҳайратомуз ютуқлар халқимизнинг барча табақа ва гуруҳлари ақл-заковати ва машаққатли меҳнати туфайли қўлга киритилди. Уларнинг орасида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг кўп сонли аъзолари ҳам бор.

Партия, ўзининг II ва III Қурултойлари оралиғида, сон жиҳатдан ўсди, ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқди, парламент партияси сифатида танилди. Унинг, мамлакатнинг барча маъмурий ҳудудлари, кўплаб меҳнат жамоалари, истиқомат жойлари, сайлов округларида фаолият кўрсатаётган, тузилмалари такомиллаштирилди, шунингдек, аёллар, ёшлар, тадбиркорлар, аҳоли бошқа гуруҳларининг муносиб вакилларини ўз сафларига жалб қилиш ҳисобига, таркибининг сифати яхшиланди, юртимиздаги нуфузли жамоат бирлашмаларининг аксарияти билан амалий ҳамкорлиги ривожланди, хорижий турдош партиялар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли алоқалари кенгайди. Партия ташкилотлари, ўзларининг кундалик тарғибий-ташвиқий, оммавий-сиёсий ишлари, аҳолининг мададталаб қатламларига баҳоли қудрат кўмак бериш ёки уни уюштириш, тадбиркорлар, ишбилармонлар, фермерлар, тижоратчиларни қўллаб-қувватлашлари билан, обрўй орттирдилар, партиянинг жамиятдаги нуфузини мустаҳкамлашга ҳисса қўшдилар. Партиянинг марказий ва маҳаллий матбуот нашрлари унинг дастурий ғояларини ва жорий сиёсати, республикада рўй бераётган туб ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини фаол тарғиб этмоқдалар, ислоҳотлар жараёнида учраётган камчилик ва тўсиқларни танқид қилмоқдалар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, ўзининг пленумлари, Сиёсий ижроқўм ва Котибият мажлисларида, ижтимоий-сиёсий ривожланиш ҳамда партия ҳаётининг долзарб масалалари юзасидан, ишлаб чиқилган нуқтаи назари, қабул қилган қарорлари, кўрсатма ва тавсиялари орқали, ташкилотимиз фаолиятининг барча соҳаларини йўналтириб турди. Миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, миллий давлатчиликни тиклаш, бозор иқтисодиётига таянган демократик жамиятни қуриш, истиқлол маънавиятини шакллантириш, инсоннинг турмуши ва камол топиши учун муносиб шарт-шароитларни яратишга қаратилган давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш, партия аъзоларининг ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш, ХДП ташкилотларининг мафкуравий, парламентчилик, ички партиявий, молия-ишлаб чиқариш фаолияти, раҳбар кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш, партия матбуотининг таъсир доирасини кенгайтириш, кўпгина бошқа масалалар унинг диққат марказида бўлди.

Ўзининг сайланма органлари ва ташкилотларининг жўшқин, мақсадли фаолияти туфайли партиямиз жамиятда ўз ўрнини эгаллади, мамлакатдаги фаол ва таъсирчан сиёсий кучга айланди. Шу билан бирга, ортда қолган даврда партия ўз мақсадларига тўла эриша олмади. Олий Мажлисга 1994 йилда бўлиб ўтган сайловларда унинг талай номзодлари депутат этиб сайланмадилар. Давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларидаги партия депутатлик гуруҳларининг бир қисми жўшқин фаолият кўрсатмади. Айрим партия кенгашларида кадрлар қўнимсизлиги, ҳудудий бошланғич ташкилотларга эътиборнинг сустлиги, оммавий-сиёсий ишларда расмиятчилик, уларда мунтазамликнинг йўқлиги, матбуот нашрларига обунани уюштиришга етарли эътибор бермаслик каби нуқсонларга йўл қўйилди.

Юқорида зикр этилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг III Қурултойи қ а р о р қ и л а д и:

1. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг 1994-1999 йилларидаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон ХДПнинг янги таҳрирдаги Дастурида ифода этилган мақсад ва ғояларни рўёбга чиқариш учун барча куч ва имкониятларни сафарбар қилишни партия барча ташкилотлари ҳамда муассасаларининг асосий вазифаси этиб белгиласин.

Ушбу мақсадда қилинадиган биринчи галдаги ишлар қуйидагилардан иборат:

— Ўзбекистон ХДПнинг III Қурултойи қарорлари, янги таҳрирдаги Дастури ва ўзгартиришлар киритилган Низоми, бошқа ҳужжатларининг барча партия аъзолари томонидан ўрганиб чиқилишини ташкил этиш;

— ушбу ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини, партия матбуоти, оғзаки тарғибот, бошқа мавжуд воситалар орқали, аҳоли турли қатламлари орасида кенг тарғиб қилиш;

— партиянинг ижтимоий-сиёсий ҳаётни янгилаш, бошланган ислоҳотларни изчил давом эттиришга оид дастурий ғояларини амалга оширишга унинг Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган вакиллари, улардан иборат фракция ва гуруҳларни, давлат ва бошқарув идоралари, турли жамоат ташкилотлари ҳамда хўжалик субъектларида масъул лавозимларда ишлаётган аъзоларини фаол жалб этиш;

— халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган барча ХДП аъзоларининг бунёдкорлик ишларида янада фаолроқ иштирок этиб, бошқаларга ўрнак кўрсатишларига эришиш;

— кундалик амалий ишлар, оммавий-сиёсий, маданий-маърифий, хайрия ва меҳр-мурувват тадбирлари билан, иложи борича, кўпроқ фуқароларни ташкилотларимиз теварагида тўплаб, уларга дастурий ғояларимиз руҳида таъсир кўрсатиш;

— мустақилликни мустаҳкамлаш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, халқ манфаатлари йўлида жойларда фаолият кўрсатаётган жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш амалиётини давом эттириш;

— партиянинг обрўйини ошириш, жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, сафларини муносиб фуқаролар, зиёлилар, ёшлар, хотин-қизлар, тадбиркор ва ишбилармонлар билан тўлдириб бориш чора-тадбирларини кўриш.

3. Ўзбекистон ХДПнинг барча ташкилот ва муассасалари, матбуот нашрлари ўзларининг бор имконият ва кучларини мамлакатимизда бўлиб ўтадиган ялпи сайловларда партиянинг фаол иштирокини таъминлашга қаратсинлар. Партиянинг сайловолди сиёсий ҳужжати ва ундан кўрсатилган номзодларнинг дастурларини барча сайловчиларга етказиш, уларнинг мазмуни ва даъватлари моҳиятини тушунтириш орқали вакилларимизга овоз берувчилар сафини кенгайтириш даркор. Ҳозирги сайловолди мавсумида барча ташкилий-сиёсий ва тарғибий-ташвиқий ишлар партиямиз номзодларнинг сайловлардаги ютуғини таъминлашга қаратилсин.

4. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашига партия тузилмалари ва аппаратини, замон талаблари ва мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, такомиллаштириш, партия кенгашлари ишини, юксак малакали партия ходимлари билан жамоатчи фаоллар меҳнатини уйғунлаштириш асосида, ташкил этиш, кадрлар ўқуви тизимини вужудга келтириш, барча маҳаллий ташкилотларнинг ўзини-ўзи молиялаш сиёсатини қатъий давом эттириш чора-тадбирларини кўриш топширилсин.

5. Ўзбекистон ХДПнинг барча даражадаги кенгашлари партия матбуот нашрларига эътиборни кучайтирсинлар, уларга обунани рисоладагидек ўтказишни ўзларининг сиёсий бурчлари, деб билсинлар ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан оқилона фойдаланишни йўлга қўйсинлар.

6. «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журнали таҳририятлари зиммасига партиянинг янги таҳрирдаги Дастури ва Низомида баён этилган ғояларни кенг тарғиб қилиш, партиянинг ҳаёти, унинг маҳаллий ташкилотларининг фаолиятини, мамлакатда туб ислоҳотларнинг боришини мунтазам ёритиш билан бир қаторда, бу йўлдаги камчиликларни асосли танқид қилиш, миллий маънавият ғояларини оммалаштиришга кўмаклашиш вазифаси юклатилсин.

7. Ўзбекистон ХДПнинг барча даражадаги кенгашлари ушбу қарорда қўйилган вазифаларнинг бекаму кўст бажарилишини таъминласинлар.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 16 октябрь, шанба • № 121 (25.516).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Тенглик ва холислик — асосий мезон

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот конференцияси ўтказилди. Унда Марказий сайлов комиссиясининг мамлакат Олий Мажлиси депутатлигига ҳамда Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга, ҳокимият вакиллик органларига, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларига матбуот имкониятларидан фойдаланишда тенг шароитни таъминлаш бўйича қарори изчил бажарилиши зарурлиги хусусида гап борди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Нажмиддин Комилов ўз сўзида бу борада журналистлар олдида турган вазифаларга тўхталиб, сайловларни уюшқоқлик билан ўтказишдек муҳим сиёсий тадбирни ёритиш давомида барча номзодларга, сиёсий партияларга тенг муносабатда бўлиш, қонунчиликда белгиланган ошкоралик тамойилларига мувофиқ холис ва адолатли ёндошиш лозимлигига эътиборни қаратди.

Анжуманда мулкчилик шаклидан қатъий назар, республика ҳудудидаги барча оммавий ахборот воситалари — телевидение, радио ва газеталарга сайловлар кампаниясини бепул, ҳомийларнинг аралашувисиз кенг ёритиш тавсия этилди. Давлат ва нодавлат телевидение, радио ва кундалик нашрлари ҳар бир сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органлари ҳамда сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари вакиллари учун эфир вақти, босма миқдорини тенг тақсимлаши шарт.

Шуни айтиш керакки, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддасига мувофиқ, оммавий ахборот воситаларида фаолият юритувчи ижодий ходимлар Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинса, улар сайловолди ташвиқот даврида сайлов ўтказиш учун ажратилган маблағ ҳисобидан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилинади.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

(ЎзА)

Халқимизнинг афсонавий қаҳрамони Алпомиш ўз юртида эъзозланмоқда. Айни кунларда Термизда катта байрамга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Бугун-эрта шаҳар марказидаги майдонда Алпомишнинг улкан ҳайкали тўла қад ростлайди.

Рустам Шагаев ва Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Тўйга аталган пуллар

«Пахта—99»

Бугун Бухоро пахтазорларида бўлган киши ҳайратдан ёқа ушлайди: ёшу қари — далада. Этак тутиб пахта тераётганларнинг сони 280 минг нафарга етди. Пахта яккаҳокимлиги даврида бу рақам 100 — 150 мингга етарди холос. Ўшандаям йўлларда қўша-қўша ДАН ходимлари туриб, ўткинчини ҳам, йўловчини ҳам пахта теришга мажбурларди. Хўш, бугун теримчилар кўпайганлигининг сабаби не? Яна йўлларда ДАН ходимлари... Йўқ, асло! Теримчилар кўплигининг боиси улар меҳнатига ҳар 5 кунда ҳақ тўланаётганлигидир. Қисқаси, теримга ҳақ тўлашда адолатли йўл тутилган. Биз Қоракўл туманидаги Ёдгор Сафаров номли жамоа хўжалигида бўлганимизда бунинг исботи устидан чиқдик. Ҳосилнинг 90 фоизи биринчи навга сотилганидан хўжалик 115 миллион сўм даромад кўрибди. Аллақул Қўчқоров бошлиқ оилавий пудратчилар териб топширган пахталари учун 240 минг сўм нақд пулга эга бўлдилар.

Аллақул ака шу даромад эвазига ўғлини уйлантирибди. Ёки 7-бригада пудратчиси Эркин Бердиев 33 тонна пахтани оила аъзолари билан териб, 231 минг сўм олгани-чи!

— Йиғим-теримда нақд пул билан ҳисоб-китоб қилиниши туфайли, — дейди Вобкент туманидаги Ал-Бухорий номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Шухрат Рустамов, — йиллик режани 8 иш кунида бажардик. Уч беш кунликда теримчиларга «Пахта банк»нинг туман бўлими томонидан 13 миллион сўм тарқатилди. Ҳамма хурсанд, қозон ҳам мой, чўмич ҳам.

Ҳаммасидан ҳам талабаларга ҳавасимиз келади. Бир беш кунликда 2 ойлик стипендия миқдорида пул олаётганлар қувончини айтмайсизми? Арғамчига қил қувват.

— Ўтган беш кунликда 7 минг сўм пул олдим, — дейди Қоровулбозор туманидаги Ал-Фарғоний номли жамоа хўжалиги далаларида пахта тераётган Бухоро давлат университетининг қишлоқ хўжалик факультети талабаси Моҳигул Чориева, — дугонам Ёркиной ҳам мендан ортда қолмаяпти.

Ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат «Пахта банк»нинг Бухоро вилоят бошқармаси ходимлари аниқ тадбирлар асосида ишлаб, йиғим-теримда ҳақ тўланишини қаттиқ назоратга олганлар.

— Сентябрь ойининг 3-4 беш кунлигида 1 миллиард 848 миллион сўм, октябрнинг биринчи беш кунлигида 503 миллион, иккинчи беш кунлигида 318 миллион, ҳаммаси бўлиб эса 2 миллиард 669 миллион сўм пул пахтакорларга етказиб берилди, — дейди «Пахта банк» вилоят бошқармаси бошлиғи Маҳмуд Бақоев.

Ҳа, рағбат — даъватдан устун. Давлатга 403 минг тонна пахта сотиб, эрта-индин ғалаба манзилига етиб борадиган бухоролик деҳқонлар хонадонида ҳадемай тўйлар бошланиб кетади.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Қирғизистон жанубидаги воқеаларга доир

Сўнгги вақтларда Қирғизистон жанубида юз берган воқеалар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги шу йил 14 октябрь куни Қирғизистон Ташқи ишлар вазирлигига қуйидаги мазмунда нота юборди:

«Ўзбекистон томони Қирғизистон Республикаси жанубидаги ҳолатнинг барқарорлашув жараёни ниҳоясига етаётганидан қониқиш изҳор этади.

Қирғизистон чегараларининг яхши мустаҳкамланиши, айниқса Тожикистон билан чегарадош жойларда бу суверен давлат аҳолиси ва ҳудуди хавфсизлигининг таъминланиши, қўпорувчи ва террорчи жиноий тўдаларнинг ўзбошимчалик билан ўтиш ҳамда наркотик моддалар билан савдо қилиш йўллари ёпиб қўйилгани Марказий Осиё давлатларининг муштарак манфаатларига мос келади.

Сўнгги уч ой мобайнида юз берган воқеалар минтақамиздаги мамлакатларнинг халқаро террорчилик, диний экстремистик руҳдаги ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатарга қарши ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик қилиши зарур эканини кўрсатди.

Ўз сафига турли миллатга мансуб жиноятчиларни бирлаштириб, Қирғизистон ҳудудига бостириб кирган тўдаларнинг юзсизлик ва ўзбошимчалиги, давлат олдига турли шартлар қўйиб, одамларни гаровга олиши — буларнинг барчаси халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ, халқаро террорчилик ҳаракати, деб баҳоланади.

Ўзбекистон томони, Қирғизистон раҳбарияти номига илгари юборган ноталарида ҳам қайта-қайта такрорлаганидек, Қирғизистон раҳбариятининг қуролли кучларни мустаҳкамлаш, куч ва имкониятни жиноятчи тўдаларга зарба бериш ва уларни йўқотишга қаратиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қатъият ва изчиллик билан қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон қуролли кучлари қардош Қирғизистоннинг ҳудудий яхлитлигини, чегараларининг даҳлсизлигини, аҳолисининг тинчлик ва осойишталигини бузишга уринган ҳар қандай тажовузни бартараф этишда ёрдамга келишга тайёр эканини билдириш ваколатини олган.

Шу билан бирга, биз шунга аминмизки, тобора авж олиб бораётган бундай ёвузлик билан «душманни ўз уйимдан чиқариб юборсам бўлди» қабилида курашиб бўлмаганлиги ва ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Юзага келган хавфли вазият бу хатарнинг манбаларини чуқурроқ ўрганиш ҳамда бундай таҳдиднинг олдини олиш ва бартараф этиш борасида халқаро ҳамкорликни, энг аввало, Қирғизистонга иттифоқдош давлатларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўрилишини тақозо қилади.

Ўзбекистон томони Қирғизистон томонига халқаро террорчиларнинг мамлакатларимиз ҳудудлари теварагидаги вазият барқарорлигини бузишга қаратилган хатти-ҳаракатларининг олдини олиш борасида мустаҳкам ҳамкорлик қилишга тайёр эканини яна бир бор изҳор этади.

Шу билан бирга, маълум қиламизки, биз Ўзбекистон чегаралари ва ҳудудининг хавфсизлиги ва барқарорлигига таҳдид солаётган хавф-хатарнинг олдини олиш учун чегараларимизни мустаҳкамлаш бўйича барча қўшимча чора-тадбирларни кўрамиз».

(ЎзА)

«Обуна — 2000»

«Ўзбекистон овози» — ўзбек, Ўзбекистон халқининг овози!
«Ўзбекистон овози» дунёнинг кўплаб мамлакатларига тарқалади ва айни пайтда дунё мамлакатларидан хабарлар тарқатади Ўзбекистонга!
Ер шарида беш қитъа, олти миллиард аҳоли бор. Барчаси битта Заминда. Заминдошингиз оламларидан хабардор бўлишни истасангиз «Ўзбекистон овози»га обуна бўлинг!
«Ўзбекистон овози» — эртанинг газетаси!

Нашр индекси — 220.
Ва яна унутманг:
«Голос Узбекистана» — 121,
«Осиё бозори» — 174.

Ўзбекистон ХДП III Қурултойининг Қарори

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Низомига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

1. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Низомига, киритилаётган ўзгартиришлар тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитасига, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси ва ҳаракатдаги партия Низомининг 45-бандига мувофиқ, 1999 йилнинг 8 ноябригача, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигини, Низомга киритилган ўзгартиришлар тўғрисида хабардор қилиш ва, белгиланган тартибда, уларни рўйхатдан ўтказиш учун зарур ҳужжатларни тақдим этиш топширилсин.

3. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Низоми, унга киритилган ўзгартиришлар билан, партия матбуотида чоп этилсин.

4. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Низомига киритилган ўзгартиришлар, улар, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан, рўйхатга олингандан кейин, кучга киритилсин.

Тошкент шаҳри 1999 йил 8 октябрь

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг НИЗОМИ

(1999 йил 8 октябрда Ўзбекистон Халқ демократик партияси навбатдаги III Курултойида киритилган ўзгартиришлар билан)

Ўзбекистон Халқ демократик партияси (Ўзбекистон ХДП) Ўзбекистон фуқароларини ихтиёрий равишда бирлаштирувчи сиёсий ташкилотдир. У, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлашни, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси учун инсонга муносиб турмуш тарзини ва юқори ҳаёт даражасини таъминлашга қодир бўлган, барқарор бозор иқтисодиётига асосланган озод демократик жамият қуришни ўз сиёсатининг устувор йўналишлари деб, ҳисоблайди.

Партия халқимизнинг тарихан таркиб топган демократик анъаналарига, миллий ва умуминсоний қадриятларга, ахлоқ ва инсонпарварлик қоидаларига, Ватанимиз ҳамда жаҳон илғор тафаккурининг ютуқларига асосланиб, жамият аъзоларининг, уларнинг ижтимоий аҳволи, насл-насаби, миллати ва диний эътиқодидан қатъий назар, туб манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси, республикада яшовчи барча халқларнинг миллий анъаналари ва урф-одатларини ҳурмат қилиш асосида, жамиятни сиёсий усуллар билан бирлаштиришга ҳаракат қилади, шовинизм ва миллатчиликни, диний экстремизмни, терроризмни, миллатлараро ва ижтимоий можароларнинг авж олдирилишини, улар қайси шаклда намоён бўлишидан қатъий назар, тамомила қоралайди ва рад этади.

Халқ демократик партияси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари доирасида ҳаракат қилади, ҳамда жамиятни сиёсий ва иқтисодий эркинлик, демократия, қонунийлик, тенглик ҳамда ижтимоий адолат қоидалари негизида барпо этиш ғояларига содиқдир.

I. ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИГА АЪЗОЛИК

1.Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларининг ҳисоби якка тартибда олиб борилиб, унга аъзолик ягона нусхадаги партия билети билан гувоҳланади.

Ўзбекистон Республикасининг, 18 ёшга тўлган, партиянинг дастурий мақсадларини тан оладиган ва унинг Низомини бажарадиган, партияни моддий маблағ билан қўллаб-қувватлаб турадиган, фуқароси Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзолик фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чекламайди. Унинг аъзоси бошқа сиёсий партияларда бўлиши мумкин эмас.

2. Партиянинг барча аъзолари тенг ҳуқуқлидир. Улар:

— ўз нуқтаи назарларини эркин баён этиш, партия сиёсати ва унинг ички турмуши масалаларини кўтариб чиқиш ва муҳокама қилиш, шу масалалар юзасидан қарорлар ишлаб чиқишда қатнашиш;

— партия органларига сайлаш ва сайланиш, уларнинг иши ҳақида ахборот олиш;

— барча даражадаги давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайланиш учун партиядан номзод этиб кўрсатилиш;

— ҳар қандай партия органига ва партиянинг ҳар қандай аъзосига баҳо бериш, уларни танқид қилиш;

— ҳар қандай партия органига ариза ва таклифлар билан мурожаат этиш ва ундан жавоб олиш;

— фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқ олиб бориладиган ҳамда партиянинг дастурий мақсадлари ва Низоми қоидаларига зид бўлмаган оммавий жамоат ташкилотлари ҳамда ҳаракатларнинг ишида қатнашиш;

1

— бошланғич партия ташкилоти билан келишган ҳолда ўзининг партияга аъзолигини вақтинча тўхтатиб туриш ҳуқуқига эгадирлар.

Партияга аъзоликни вақтинча тўхтатиб туриш ва қайта тиклаш тўғрисидаги қарор партия ташкилоти йиғилишида иштирок этаётган партия аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Партия ташкилотлари ва партиянинг сайлаб қўйиладиган органлари:

— барча партия ташкилотларида партиявий ўртоқлик муносабатларини таъминлашлари, партия аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари;

— лозим топилган ҳолларда, партия аъзоларининг ижтимоий ва қонун рухсат этган бошқа фаолиятига, сиёсий мададни таъминлашлари;

партия аъзоларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари камситилган тақдирда, уларнинг шаъни ва қадр-қимматларини ҳимоя қилишлари шарт.

3. Партия аъзоси:

— партия ташкилотлари ҳамда партия сайланма органларининг қарорларини, агар улар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, партия Дастури ва Низомига зид бўлмаса, бажаришга;

— бирор бир партия бошланғич ташкилотининг ҳаёти ва фаолиятида қатнашишга, партиянинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришга кўмаклашишга, унинг жамиятдаги обрў-эътиборини мустаҳкамлашга ва таъсирини кучайтиришга;

— партияга аъзолик бадалларини мунтазам тўлаб туришга мажбурдир.

4. Партия аъзолигига қабул қилиш, унга кирувчининг аризасига биноан, якка тартибда амалга оширилади.

Партияга қабул қилиш тўғрисидаги қарор бошланғич партия ташкилотининг йиғилишида қабул қилинади ва унда ҳозир бўлган партия аъзоларининг камида учдан икки қисми уни ёқлаб овоз берган тақдирда, ҳақиқий ва узил-кесил, деб ҳисобланади.

Бошқа сиёсий партиялар аъзоси бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, улар таркибидан чиққач, ХДП аъзолигига умумий тарзда қабул қилинадилар.

5. Бошланғич партия ташкилотлари ва барча даражадаги партия органлари, партия Низомидаги мажбуриятларини бажармаганлиги ва ижтимоий ахлоқ меъёрларига риоя қилмаганлиги учун, партия аъзоларига нисбатан, уларнинг Низомда белгиланган ҳуқуқлари ва шахсий қадр-қимматини камситмайдиган, танбеҳ бериши, ҳайфсан эълон қилиши ва бошқа партиявий тарбия ҳамда таъсир чораларини кўришлари мумкин.

Бошланғич партия ташкилоти, юқори партия органлари, Ўзбекистон ХДП Низоми талабларига мос келмайдиган хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атвори учун, партия аъзосини ХДП сафларидан чиқариши мумкин. Бу ҳақдаги қарор партия ташкилоти йиғилиши ёки юқори партия органи томонидан қабул қилинади ва мазкур ташкилот ҳисобида турувчи партия аъзоларининг ёки мазкур сайланма орган аъзоларининг ярмидан кўпроғи шу қарорни ёқлаб овоз берган тақдирда, ҳақиқий, деб ҳисобланади.

Партиядан чиқарилган киши уч ой мобайнида юқори партия органларига шикоят аризасини бериш ҳуқуқига эга. Шикоят аризаси тушган кундан бошлаб, кўпи билан икки ой муддат ичида, кўриб чиқилади.

Узрли сабабсиз аъзолик бадалларини тўламаган партия аъзоси тўғрисидаги масала бошланғич партия ташкилотида кўриб чиқилиши лозим. Агар партия аъзосининг партия билан алоқани узганлиги аниқланса, у ҳолда, унинг партияга аъзолигини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Партияга аъзолик партия аъзосининг, ихтиёрий равишда, партия сафларидан чиқиш тўғрисидаги, аризасига биноан ҳам тўхтатилади.

II. ПАРТИЯНИНГ САЙЛОВЛАРДА ҚАТНАШИШИ. ЎЗБЕКИСТОН ХДПнинг ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИДАГИ ФРАКЦИЯЛАРИ ВА ПАРТИЯ ГУРУҲЛАРИ

6. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловларида, шунингдек, давлат ҳокимият органларидаги ўз вакиллари орқали, тегишли қарорларни тайёрлашда, қонунда белгиланган тартибда, қатнашади.

У, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, барча даражадаги давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларда ўз номзодларини кўрсатади, уларнинг сайланишига эришишга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод, қоида тариқасида, партия қурултойида кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига партиядан номзодлар партия қурултойида ёки Марказий Кенгаш пленумида, бўшаб қолган Олий Мажлис депутатлари ўрнига сайловлар ўтказилганда эса, Марказий Кенгашнинг Сиёсий ижроия қўмитаси мажлисида кўрсатилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига депутатликка номзодлар, партия ташкилотлари томонидан, уларнинг конференциялари ёки партия кенгашлари пленумларида кўрсатиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларига депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги

2

қарор, қурултой делегатлари, тегишли сайланма партия органи аъзоларининг мажлисида қатнашаётганларнинг кўпчилиги ёқлаб овоз берган тақдирда, қабул қилинади, ва, қонунда белгиланган тартибда, тегишли баённома билан расмийлаштирилади.

7. Партия сиёсатини ўтказишни ташкилий жиҳатдан таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Ўзбекистон ХДП фракцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларида эса Ўзбекистон ХДПнинг партия гуруҳлари тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги фракция, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларидаги партия гуруҳлари, Ўзбекистон ХДП дан сайланган депутатларнинг таъсис мажлисларида тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ХДП фракцияси, Қорақалпоғистон Республикасидаги, маҳаллий ҳокимият органларидаги партия гуруҳлари партия Дастурига, қурултойлари ва конференцияларининг қарорларига, сайлаб қўйиладиган тегишли партия органларининг тавсияларига амал қиладилар. Муҳим сиёсий аҳамиятга эга масалалар бўйича нуқтаи назарларини келишиб олиш учун фракция, ҳокимият вакиллик органларидаги партия гуруҳлари ва сайлаб қўйиладиган тегишли партия органларининг қўшма мажлислари ўтказилиши мумкин. ХДП фракциялари ва партия гуруҳларининг аъзолари, тегишли ҳокимият органларида овоз бериш чоғида, биргаликда ишлаб чиқилган нуқтаи назарларга амал қиладилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги фракцияси ўз фаолияти тўғрисида, ҳар йили, Марказий Кенгаш пленумига ахборот беради. Фракциянинг, Олий Мажлис ваколати давридаги фаолияти тўғрисидаги, ҳисоботини партия қурултойи эшитади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳлари ўз фаолиятлари тўғрисида партия кенгашлари пленумларида ҳар йили ахборот берадилар. Уларнинг ваколатлари давридаги фаолиятлари тўғрисидаги ҳисоботлар тегишли партия ташкилотларининг конференцияларида эшитилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ҳамда маҳаллий ҳокимият органларидаги партия гуруҳлари бошқа расмий фракциялар билан ҳамкорлик қилишлари ёки уларга нисбатан ижобий муҳолифатда бўлишлари мумкин.

III. ПАРТИЯНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҚОИДАЛАРИ

9. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз фаолиятини ташкилий муштараклик ва партиявий ўртоқлик қоидаларига мувофиқ амалга оширади. Бу қоидалар:

— партия ташкилотларининг ўзини-ўзи бошқаришини ва, уларнинг иштирокида жамоавийлик тарзида ишлаб чиқилган сиёсатни турмушга татбиқ этишда, улар ҳаракатининг бирлигини;

— қуйидан юқоригача партиянинг барча органлари сайлаб қўйилишини;

— партия органлари ва уларнинг аъзолари уларни сайлаган ташкилотлар олдида ҳисоб бериб туришларини;

— ишда ошкоралик, рўй-ростлик ва ҳамжиҳатликни;

— фикр билдиришда эркинлики, турли қарашларни таққослашни, ошкора танқид ва ўз-ўзини танқидни;

— партия аъзоларининг ўзаро муносабатларида дўстлик, бир-бирига ёрдам бериш ва ўзаро қўллаб-қувватлашни, инсоний қадр-қимматни ҳурмат қилишишни;

— шахсга нисбатан зўравонлик, унга мулкий, маънавий ва жисмоний зиён етказиш истисно қилинишини таъминланишини назарда тутадилар.

10. Ўзбекистон Халқ демократик партияси, қоида тариқасида, ҳудудий асосда тузилади. У, ҳудудлар бўйича, туман, шаҳар партия ташкилотларига бирлашган, бошланғич партия ташкилотларидан иборат бўлиб, ўз навбатида, туман, шаҳар ташкилотлари Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, Тошкент шаҳар ташкилотларига бирлашадилар.

11. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг барча ташкилотлари, ушбу Низом доирасида ва ўзларига тааллуқли партия қарорларини бажариш бўйича, юқори партия органлари олдида ҳисоб бериб турилишига риоя этилган ҳолда, ўзларининг ички турмуш ва фаолиятларини уюштиришда, мустақилдирлар.

12. Умумий партия йиғилиши, партия конференцияси, қурултойи партиянинг олий раҳбар органларидир.

Тафтиш комиссиялари партиянинг назорат қилувчи органларидир. Улар партияга аъзолик бадаллари қай тарзда тўланаётганлигини назорат қиладилар, партия ташкилотлари ва муассасаларининг партия бюджети ижросини ҳамда молия-хўжалик фаолиятини тафтиш этадилар, қурултой тасдиқлайдиган Низомга мувофиқ, бошқа назорат ишлари ва ваколатларини амалга оширадилар. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида тегишли партия кенгашининг аъзолари бўлиши ёки унинг аппаратида ишлаши мумкин эмас.

Умумий йиғилиш, конференция, қурултой, партиянинг раҳбар ва назорат қилувчи органларининг мажлиси, уларнинг ишида партия ташкилоти, партия сайланма органи аъзоларининг ярмидан ортиғи ёки сайланган делегатларнинг учдан икки қисми қатнашган ҳолда, ваколатли, деб ҳисобланади.

13. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг барча раҳбар ва назорат қилувчи органлари сайлаб қўйилади. Улар йиғилишларда, кенгашлар пленумларида, конференцияларда, қурултойларда бевосита ёки белгиланган миқдорда, қуйи партия ташкилотлари томонидан, сайланадилар. Ана шу партия ташкилотлари ўзларининг вакилларини чақириб олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Партия аъзолари, партия органларини сайлаш чоғида, номзодларни чекланмаган миқдорда, шу жумладан, ўз номзодини ҳам, кўрсатиш ва далиллар асосида рад қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

14. Партия органларининг таркиби тегишли ташкилот аъзоларининг, камида учдан бир қисмини бирлаштирувчи партия ташкилотларининг, талабига мувофиқ ёки сайланган органнинг, айрим ёхуд барча аъзоларининг ихтиёрий равишда истеъфо бериш тўғрисидаги, аризасига биноан, уларнинг ваколат муддати тугашидан аввал янгиланиши ёки тўла-тўкис қайтадан сайланиши мумкин.

15. Партия ташкилотлари ва унинг сайланма органларида барча қарорлар, овоз бериш йўли билан, коллегиал тарзда қабул қилинади. Партия йиғилиши, конференцияси, қурултойи, сайланма органининг ихтиёрига кўра, қарор қабул қилиш чоғида ва сайловлар жараёнида овоз бериш яширин ёки очиқ бўлиши мумкин. Кўпчилик томонидан қабул қилинган қарор барча учун мажбурийдир. Озчилик ўз нуқтаи назарини партиянинг раҳбар ва назорат қилувчи органларида ҳимоя қилиш, қўшимча маърузалар билан чиқиш, ўз фикрини баённоналарда қайд эттириш, баҳсли масалаларнинг қайта кўриб чиқилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Партия ташкилотлари ва уларнинг сайланадиган органлари томонидан қабул қилинган қарорлар, партиянинг дастурий мақсадлари ва Низомига зид бўлмаса, партия юқори органлари томонидан бекор қилиниши мумкин эмас. Партия аъзолигидан чиқариш тўғрисидаги қарорлар бундан мустасно.

16. Партия ташкилотлари, унинг сайланма органлари, асосан, жамоатчилик асосида ишлайдилар. Улар олдиларида турган вазифаларни ҳал қилиш мақсадида, ўз фаолиятида қатнашиш учун, партия аъзолари ва бошқа фуқароларни жалб этишнинг, қонунчиликка хилоф бўлмаган, ҳар қандай шаклидан фойдаланишлари мумкин.

Партия аъзолари ва партия сайланма органларининг ташаббуси билан партия клублари, сиёсий марказлар, қизиқишлар ва муаммолар, шу жумладан, касб-кор, бўйича ҳам, бирлашишнинг хилма-хил шакллари, ташкил қилиниши ва фаолият кўрсатиши мумкин.

Улар партия ташкилотлари ҳисобланмайдилар, лекин, партиянинг дастурий ҳужжатларига асосланиб, турли масалаларни муҳокама қиладилар ва шу хусусда ўз нуқтаи назарларини ишлаб чиқадилар, ҳар қандай даражадаги партия ташкилотлари ва уларнинг сайланма органлари муҳокамасига таклифлар ҳамда лойиҳалар киритадилар.

17. Партия сайланма органлари, ўз ваколатлари даврида, ўзларига бўйсунадиган, меҳнат шартномаларига мувофиқ ташкил қилинадиган, ишчи аппаратини тузадилар. Мазкур аппарат сайланма

4

майиб кетганда ва унга бошқа партия аъзоларини ҳисобга қўйиш ҳамда партияга янги аъзолар қабул қилиш учун шароит бўлмаганда;

— у бошқа бошланғич партия ташкилотлари билан бирлашиб кетганида.

20. Бошланғич партия ташкилотлари, Низом талаблари доирасида, ўзларининг ички партиявий ишларга доир масалаларини мустақил ҳал қиладилар. Улар ҳар қандай партия органининг қарорига ўз муносабатларини билдириш ҳуқуқига эгадирлар. Ушбу партия органи эса, масаланинг моҳияти юзасидан, жавоб қайтаришга мажбурдир.

Бошланғич партия ташкилотлари партия сиёсатини тарғиб қиладилар ва тушунтира борадилар, партия қарорларини бажаришга доир ишларни ташкил этадилар. Улар партиядан барча даражадаги давлат ҳокимияти вакиллик органларига депутатликка сайланганларнинг сайловчилар ўртасида олиб борадиган ишларидаги таянчи ҳисобланадилар.

21. Умумий партия йиғилиши бошланғич партия ташкилоти, партия гуруҳининг олий органи ҳисобланади. Йиғилиш заруратга қараб, аммо, камида йилнинг ҳар чорагида бир марта ўтказилади. Бошланғич партия ташкилотининг умумий йиғилишини ўтказишнинг иложи бўлмаган тақдирда, унинг ижроия бюроси, юқорида белгиланган муддат ичида, конференция чақиради ёки партия гуруҳларида ягона кун тартиби билан йиғилишлар ўтказилишини ташкил этади.

Бошланғич партия ташкилоти умумий партия йиғилишининг (конференциянинг) фақат унга тегишли ваколати доирасига қуйидагилар киради:

— бошланғич партия ташкилотининг ижроия бюроси ва котибини (котиби ва котиб ўринбосарини) сайлаш, уларнинг ҳисоботларини эшитиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

— тегишли туман, шаҳар партия ташкилоти конференциясига делегатларни сайлаш;

— ХДП тегишли туман, шаҳар кенгаши таркибига бошланғич партия ташкилотининг ваколатли вакилини сайлаш ва уни чақириб олиш;

— бошланғич партия ташкилоти таркибида партия гуруҳларини тузиш ва уларга, Низомнинг 19-бандидаги 4-қисмида кўзда тутилган, вакалотларни бериш;

— бошланғич партия ташкилоти ваколатидаги партияга аъзолик масалаларини ҳал этиш.

Бошланғич партия ташкилоти, партия гуруҳининг кундалик фаолиятига партия йиғилиши сайлаган ижроия бюро (котиб) раҳбарлик қилади.

Бошланғич партия ташкилотлари ижроия бюролари (котиблар ва котиб ўринбосарларини) навбатдаги сайловини, туман, шаҳар партия кенгашларининг ваколатлари тугашига камида икки ой

5

23. Партия конференцияси Қорақалпоғистон республика, вилоят, шаҳар, туман партия ташкилотининг олий органи бўлиб, тегишли партия кенгашининг қарорига, юқори партия органининг таклифига ёки мазкур партия ташкилоти аъзоларининг камида учдан бир қисмини бирлаштирувчи партия ташкилотларининг талабига биноан чақирилади. Навбатдаги партия конференциялари 5 йилда бир марта, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг ваколатлари тугашига камида икки ой қолганида, партия Марказий Кенгаши пленуми томонидан белгиланган муддатларда, чақирилади.

24. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоят, шаҳар, туман кенгаши доимий ишловчи раҳбар органи бўлиб, одатда, асосан, қуйи партия ташкилотларининг, белгиланган тенг миқдор бўйича, ваколат билан юборилган тўла ҳуқуқли вакилларидан иборат бўлади. Конференция тегишли кенгаш аъзоларининг бир қисмини қўшимча равишда сайлаши мумкин, бунда мана шу қисм улар умумий сонининг бешдан бир қисмидан ошмаслиги керак.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига сайлаш учун белгиланган миқдор, тегишли кенгаш пленуми томонидан, одатда, конференция чақириш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш билан бир вақтда, тасдиқланади. Ўзбекистон ХДП туман, шаҳар кенгашларига ҳар бир бошланғич партия ташкилоти, одатда, биттадан вакил юборади.

ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, шаҳар, туман кенгашлари ва тегишли партия ташкилотлари тафтиш комиссияларининг ваколатлари муддати 5 йил.

25. Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, туман, шаҳар партия ташкилотларининг фақат уларга тегишли ваколатлари доирасига қуйидагилар киради:

— Низомнинг 24-бандида кўзда тутилган тегишли партия кенгаши аъзолари ва партия ташкилоти тафтиш комиссияси аъзоларининг бир қисмини 5 йил муддатга сайлаш, уларнинг ҳисоботларини эшитиш ва булар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

— Қорақалпоғистон Республика Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП партия гуруҳининг ҳисоботларини эшитиш, улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

— тегишли партия ташкилоти фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш.

Қорақалпоғистон республика партия ташкилотининг конференцияси беш йил муддатга ташкилот раисини сайлайди. У, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлигига сайланган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси этиб сайлаш учун номзод бўлади.

Партия ташкилоти конференцияси ва тегишли партия кенгаши умумий ваколатлари қуйидагилардан иборат:

6

органлари фаолиятини ахборий-таҳлилий, таҳминий-ижтимоий, ташкилий ва консультатив хизмати билан таъминлайди. Аппарат ходимларига нисбатан меҳнат, ижтимоий-таъминот ва ижтимоий суғурта тўғрисидаги қонунчилик қўлланилади.

18. Партия кенгашлари ўз оммавий ахборот воситаларини таъсис этишлари ёки таъсис этувчиларнинг шериклари бўлишлари мумкин.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

19. Бошланғич партия ташкилотлари Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг негизи ҳисобланади. Бошланғич партия ташкилотини тузиш тўғрисидаги қарор, ташкилотга бирлашиш истагини билдирган, камида 5 нафар партия аъзоларининг аризасига асосан тегишли туман, шаҳар партия кенгаши ижроия бюроси томонидан қабул қилинади. Бошланғич партия ташкилоти унинг таъсис йиғилиши ўтказилганидан кейин тузилган ҳисобланади.

Бошланғич партия ташкилотлари, қоида тариқасида, партия аъзоларининг турар жойлари бўйича, туман, шаҳар ҳокимият вакиллик органларига сайлов ўтказувчи сайлов округлари доирасида ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи бирлаштирувчи ҳудуд чегарасида ташкил этилади. Амалдаги қонунчиликка хилоф бўлмаган жойларда, бир корхонада, муассаса, ташкилотда ишловчи партия аъзоларини бирлаштирадиган, ишлаб чиқариш асосидаги, бошланғич партия ташкилотлари тузилади.

Бошланғич партия ташкилотларининг тузилиш шаклидан қатъий назар (ҳудудий ёки ишлаб чиқариш), уларда бирлашган партия аъзолари Низомда қайд этилган ўз мажбуриятларини ишдан бўш вақтларида бажарадилар.

Бошланғич партия ташкилоти ўз таркибида камида 3 нафар партия аъзосини бирлаштирган партия гуруҳларини тузиши мумкин. Партия гуруҳида камида 5 нафар партия аъзоси бўлса, бошланғич партия ташкилоти, тегишли туман, шаҳар партия кенгашининг ижроия бюроси розилиги билан, партияга аъзолик билан боғлиқ масалаларда, унга бошланғич ташкилот ҳуқуқини бериши мумкин.

Туман ва шаҳар партия кенгашлари, зарур ҳолларда, ўз ижроия бюроси қарори билан, уларга бўйсунадиган ҳудудий ва ишлаб чиқаришдаги бошланғич партия ташкилотларини ҳудудий партия ташкилотлари гуруҳларига бирлаштиришлари, партияга аъзолик ва бошланғич партия ташкилотлари фаолиятларини мувофиқлаштириш масалаларига тегишли ўз ваколатларининг бир қисмини берган ҳолда, ҳудудий кенгашларни шакллантиришлари мумкин.

Бошланғич партия ташкилотининг фаолияти ХДП туман, шаҳар кенгаши ижроия бюроси қарори билан, қуйидаги ҳолларда тўхатилади:

— унда бирлашган партия аъзоларининг сони бештадан қолганда, партия Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси тайинлайди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТ, ШАҲАР, ТУМАН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

22. Бошланғич партия ташкилотларини бирлаштирувчи туман ва шаҳар партия ташкилотлари, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг таркибий таянч бўғинларидир.

Туман ва шаҳар партия ташкилотлари, Ўзбекистон Республикасининг тегишли маъмурий-ҳудудий тузилмалари доирасида, ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташкилотларига бирлашадилар. Тошкент шаҳар партия ташкилоти вилоят партия ташкилоти мақомига эга.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Қорақалпоғистон республика ташкилоти партиянинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш ва унинг сиёсати аҳоли томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш юзасидан иш олиб боради, партиянинг олий ва марказий органлари билан келишган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикасини сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва миллий-маданий жиҳатдан ривожлантиришга тааллуқли масалаларга тегишли ўз йўлини ўтказади. Қорақалпоғистон республика партия ташкилоти партия Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси таркибига ўз вакилини йўллаш ҳуқуқига эга.

Туман, шаҳар ва вилоят партия ташкилотлари ўз ҳудудлари доирасида партиянинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш ва унинг сиёсати аҳоли томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш юзасидан иш олиб борадилар.

Ўзбекистон ХДП вилоят, туман ва шаҳар ташкилотлари, одатда, Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилмасидаги тегишли ўзгартиришлар муносабати билан, партия Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг қарорига асосан тузилади, қайтадан ташкил этилади ва тугатилади.

Ўзбекистон ХДПнинг янги вилоят, туман, шаҳар ташкилоти тузилаётганда ташкилий қўмита шакллантирилади. У, тегишли ташкилот тузилиши тўғрисидаги қарор қабул қилингандан сўнг, бир ой муддат ичида, унинг таъсис конференциясини чақиради.

Янги тузилган вилоят, туман, шаҳар партия ташкилоти, қонунда белгиланган тартибда, тегишли адлия идорасида давлат рўйхатидан ўтганидан кейин, юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлади.

Вилоят, туман, шаҳар партия ташкилотларининг фаолиятлари тўхтатилиши, улар қайтадан тузилишлари ёки улар тугатилиши чоғида, қонунда, юридик шахсни тугатиш учун, белгиланган барча чораларни бажариш бўйича, тугатиш комиссиясининг мажбуриятлари тегишли партия кенгаши ижроия бюроси зиммасига юклатилади.

— тегишли юқори партия ташкилоти конференцияси ва партия қурултойига делегатлар сайлаш;

— ўзидан юқоридаги Ўзбекистон ХДП кенгашига ва партия марказий органларига, белгиланган меъёр бўйича, ўзининг ваколатли вакилларини юбориш;

— тегишли Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш.

26. Конференциялар оралиғидаги даврда кенгаш тегишли партия ташкилотининг манфаатларини ифодалайди, унинг номидан ҳаракат қилади, конференцияларнинг ва юқори партия органларининг қарорлари бажарилишини ташкил этиб, ўзига ҳисобот бериб турувчи органлар ва қуйи ташкилотларининг ишига раҳбарлик қилади, Ўзбекистон ХДПнинг тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги партия гуруҳи билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади.

Кенгаш ўз пленумида ўзининг таркибидан кенгаш котибларини ва ижроия бюросининг бошқа аъзоларини беш йил муддатга сайлайди, зарур бўлган ҳолларда, конференция сайлаган ўз аъзолари таркибини қисман янгилайди, ижроия бюроси фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди, унинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни ва Ўзбекистон ХДПнинг тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органидаги партия гуруҳи иши тўғрисидаги ахборотларни ҳар йили тинглаб туради.

Кенгаш пленумлари заруратга қараб, аммо, камида ҳар ярим йилда бир марта ўтказилади ва унинг аъзоларининг ярмидан кўпроғи қатнашган тақдирда, тегишли ваколатга эга бўлади. Пленумда қатнашган кенгаш аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинган қарорлар унга бўйсунадиган органлар ва қуйи ташкилотлар учун мажбурийдир.

27. Ижроия бюро тегишли кенгашнинг қарорлари бажарилишини ташкил этади, шу мақсадда қуйи ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради, кенгашнинг ишчи аппаратига бевосита раҳбарлик қилади.

Ижроия бюросининг, унга, партия Низоми, тегишли кенгаш пленумининг қарори асосида берилган ваколатлар доирасида қабул қилган, қарорлари барча қуйи партия ташкилотлари учун мажбурийдир.

ПАРТИЯНИНГ ОЛИЙ ВА МАРКАЗИЙ ОРГАНЛАРИ

28. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг қурултойи унинг олий органидир. Навбатдаги қурултойлар партия Марказий Кен-

3

(Давоми 3-бетда)

(Давоми. Боши 2-бетда)

гаши томонидан ҳар 5 йилда бир марта, одатда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлиси сайлови ўтказиладиган мавсуми бошланишидан олдин чақирилади. Марказий Кенгашнинг, қурултойни чақириш, унинг кун тартиби ва вакиллик меъёри тўғрисидаги, қарори қурултойга камида бир ой муддат қолганда эълон қилинади.

Партиянинг навбатдан ташқари (фавқулодда) қурултойи Марказий Кенгашнинг ташаббуси билан ёки, партия аъзолари умумий сонининг камида учдан бир қисмини бирлаштирган, партия ташкилотларининг талабига мувофиқ чақирилади. Бу ҳолда, у, Марказий Кенгаш томонидан, бир ой муддат ичида, чақирилади ва унда барча партия аъзоларининг камида ярмининг вакиллиги таъминланган тақдирда, тегишли ваколатга эга бўлади.

29. Марказий Кенгаш Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг юқори раҳбар органи ҳисобланади. Марказий Тафтиш комиссияси партиянинг марказий назорат органи ҳисобланади. Марказий Кенгаш ва Марказий Тафтиш комиссияси, асосан, Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларининг, белгиланган тенг миқдор бўйича, ваколат билан юборилган вакилларидан иборат бўладилар. Қурултой Марказий Кенгаш ва Марказий Тафтиш комиссияси аъзоларининг бир қисмини қўшимча равишда сайлаши мумкин, бунда мана шу қисм улар умумий сонининг бешдан бир қисмидан ошмаслиги керак.

Марказий Кенгашга ва Марказий Тафтиш комиссиясига сайлаш учун белгиланган миқдор Марказий Кенгаш пленуми томонидан, одатда, қурултой чақириш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш билан бир вақтда, белгиланади.

30. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг қурултойи:

— делегатларнинг ваколатларини текширади, ўзининг иш тартибини белгилайди, зарур раҳбар ва ишчи органларини сайлайди;

— Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан партиянинг нуқтаи назарини ишлаб чиқади, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Дастурини, бошқа умумпартиявий сиёсий ҳужжатларни қабул қилади, уларни қайта кўриб чиқади ва уларга ўзгартиришлар киритади;

— Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Низомини қабул қилади, зарур ҳолларда, уни қайта кўриб чиқади ва унга ўзгартиришлар киритади;

— Низомнинг 29-бандида қайд этилган қоида асосида Марказий Кенгаш ва Марказий Тафтиш Комиссияси аъзоларининг бир қисмини беш йил муддатга сайлайди;

— Марказий Кенгаш, Марказий Тафтиш комиссияси, қурултой сайлайдиган бошқа органлар ҳамда шахсларнинг ҳисобот ва маърузаларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги Ўзбекистон ХДПнинг фракцияси фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тинглайди, улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

— Марказий Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлайди;

— партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатади;

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар кўрсатади.

31. Қурултой қарорларини бажариш барча партия органлари, ташкилотлари ва аъзолари учун мажбурийдир. Қурултой иши якунланганидан кейин, унинг қарорларини, барча партия аъзоларига, партиянинг Марказий Кенгаши тезкор равишда етказиши шарт.

32. Партия Марказий Кенгаши:

— қурултойлар оралиғидаги даврда партиянинг манфаатларини ифодалайди, унинг номидан иш юритади;

— партия сиёсати ва амалий фаолиятининг етилган масалаларини муҳокама қилади, улар юзасидан барча партия ташкилотлари учун бажарилиши мажбурий бўлган қарорларни ва, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастури ва Низоми доирасида, бошқа умумпартиявий ҳужжатларни қабул қилади;

— ўз пленумида ўзининг таркибидан Марказий Кенгашнинг Сиёсий ижроия қўмитасини, шу жумладан, Марказий Кенгашнинг биринчи котиби ва котибларини беш йил муддатга сайлайди, МК Котибиятини шакллантиради, зарур бўлган ҳолларда, қурултой сайлайдиган МК аъзолари таркибини қисман янгилайди;

— партия қурултойлари орасида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига навбатдаги сайловлар тайинланган тақдирда, Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатади;

— Сиёсий ижроия қўмита ҳамда Котибият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди;

— ҳар йили Сиёсий ижроия қўмитанинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги фракцияси фаолияти ҳақидаги ахборотларни тинглайди;

— партия марказий оммавий ахборот воситаларининг бош муҳаррирларини тасдиқлайди;

— Низомнинг айрим қоидаларини қўллаш тартибига аниқлик киритувчи, барча партия ташкилотлари учун бажарилиши мажбурий бўлган, меъёрий ҳужжатларни тасдиқлайди;

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси қурултойи берган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Марказий Кенгашнинг пленумлари, заруратга қараб, аммо, йилда камида бир марта ўтказилади ва унинг аъзоларидан ярмидан кўпроғи қатнашган тақдирда тегишли ҳуқуққа эга бўлади.

